



## XII АСРДА МОВАРОУННАХР ЎЛКАСИ БИЛАН ТУТАШ ХУДУДЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН АДИБЛАРНИНГ МАНБАЛАРДА БЕРИЛИШИ ВА МАНБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.

**Рахимов Холмурод Мажитович**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*Матншунослик ва адабий манбашунослик*

*мутахассислиги 2-курс магистри*

“Мовароуннаҳр” атамаси араб тилида “дарёнинг нариги томони” деган маънони англатади. Ўрта асрларда ислом малакатларида кенг тарқалган географик атама. Унинг худди шу маънони англатган форс тилидаги “Вароруд” ва “Варожайхун” шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси XI асргача Хуросон вилоятининг давоми сифатида, XI аср бошидан эътиборан эса Туркистон, яъни Қорахонийлар давлати ва ундан кейинги туркий давлатлар таркибидаги маъмурий бирлик сифатида тушунилган<sup>93</sup>. Абу Саъд Самъоний яшаган XII асрда ҳам Мовароуннаҳ билан Хуросон худуди бир-бири билан илмий, маданий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда яқин алоқаларга эга эди. Шу сабабли олим ва шоирлар Хуросонлик талаба Мовароуннаҳрлик олимга шогирд бўлса, Мовароуннаҳрлик талаба Хуросонлик олимга шогирд тушарди. Шахсан Самъонийнинг ўзи ҳам бир қанча Мовароуннаҳр олимларидан илм олган. Бу икки ўлка географик жиҳатдан иккига бўлинсада, илмий-маданий алоқаларда яхлит эди. Бухорога яқин жойлашган Марв шаҳри бугунги кунда қўшни Туркманистонда жойлашган. Самъоний даврида илм ўчоқларидан бўлган Марв шаҳридан ҳам кўплаб алломалар етишиб чиққан. Масалан, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг мақбараси Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида жойлашган ва бу туманга унинг номи берилган. Кўплаб Марвазий алломалар Мовароуннаҳрда илмий фаолият олиб борганлар. Марвдан ташқари Ҳирот, Сарахс каби шаҳарлардан етишиб чиққан алломалар ҳам кўплаб учрайди. Ўрта асрларда кўплаб олимлар илмий фаолиятларини ва умрини катта қисмини илм сафарларида ўтказишган ва ҳатто оила қуришга ҳам вақт топа олишмаган. Бухорий ва Замахшарий каби олимлар шулар жумласидандир. Бу олимлар умрларини илм учун фидо қилганлари сабаб ўзларидан катта илмий мерос қолдира олдилар. Ўша даврда масофаларни босиб ўтиш қийинчилик туғдирсада, бир ўлкадан иккинчисига ўтиш жуда осон бўлган. Бугунги кундаги мезонлар-чегара, виза, паспорт каби талаблар бўлмаган. Мовароуннаҳрга туташ ўлкалардан ҳам кўплаб адиблар етишиб чиққан ва биз уларнинг баъзилари ҳақида қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

**Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али ибн Иброҳим ан-Натанзий**

<sup>93</sup> Ўзбекитон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2006 й. М ҳарфи қисми, 659-бет. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.



Абу Саъд Самъоний ўзининг “Мўъжамуш-шуйух” асарида Абу Саъд Холид ибн Рабиъ ал-Ҳаравий тазкирасида Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али ан-Натанзийнинг шеърини келтирган. Шеърни Холид ибн Рабиъ ўқиб берган<sup>94</sup>.

Шеър:

عَنْ نَوْمِ غَيْكَ إِنَّ لَيْلِكَ ذَاهِبٌ  
صُبْحٌ كَمَا قُلْتُمْ وَ لَكِنْ كَادِبٌ

قالوا : تَنَفَّسَ صُبْحُ لَيْلِكَ فَانْتَبَهُ  
فَحَسِبْتُ أَعْوَامِي فَقُلْتُ : صَدَقْتُمْ

Айтдилар: ўтказган тунинг тонги келди, гафлат уйқусидан уйғон.  
Умримни ҳисоблаб айтдим: рост, сиз айтгандек тонг, лекин ёлғон.

Бу шеър “Мўъжамуш-шуйух”да келтирилган ва Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али ан-Назанзийнинг қаламига мансублиги айtilган. Ан-Назанзийнинг биографияси ҳақида маълумот берилмаган.

Абу Саъд Самъонийнинг иккинчи асари “Ал-ансоб”да ўн учинчи жузнинг 137-саҳифасида ан-Натанзий тахаллусида келган исмлар орасида маълумот берилган. Аввал “Натанз” сўзи қандай ёзилиши ва унли ҳаракатлари ҳақида маълумот бериб, қаерда жойлашгани айtilган. Тазкирада Иброҳим ибн Аҳмад ан-Натанзий ҳақида маълумот бериб, сўнг унинг набираси Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али ҳақида маълумотлар келтирилган. Самъоний шундай дейди: “Иброҳим ибн Аҳмаднинг набираси Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али ан-Натанзий луғат, адабиёт ва шеър санъатларида Ироқ ва Хуросон адибларининг энг афзали эди. 521 йилда Марвга ташриф буюрганида у билан учрашдим. Иккинчи марта Бағдодда учрашдим. Ҳар учрашганимда ундан илм ва иқтибослар олдим”. Сўнгида унинг устозлари ҳақида маълумот берилган. 48...йилда туғилган дейилган. Қўлзмада ўчиб кетгани учун охириги сон ўрнига нуқталар қўйилган. Демак Натанзий ҳижрий 480 – 490 йиллар оралиғида туғилган. Тазкира охирида Натанзий ўз қўли билан ёзган шеъри келтирилган. Шеър:

فَحَمَّالُ السُّيُوفِ حِينَ تَشْتَأْمُ  
وَ كَذَا صِحَّةُ الْجُفُونِ السِّقَامِ

إِنَّ تَرَانِي عَرَيْتُ بَعْدَ رِيَاشِ  
وَ اِخْتِصَارُ الْخُصُورِ فِي الْبَيْضِ تَمَّ

Ҳашаматдан сўнг ҳеч вақосиз қолганимни кўрсанг,  
Қиличлар ҳаммолини сезган вақтингда.  
Тухумда белларнинг қисқариши тугади,  
Шунингдек касал қовоқлар соғломлиги ҳам<sup>95</sup>.

Самъоний Муҳаммад ибн Али Натанзийнинг бобоси Иброҳим ҳам шоир бўлганини “Ал-ансоб”да келтирган. Шоирлар сулоласидан бўлган Натанзий Ироқ ва Хуросонда шеърятда энг кучли бўлган экан. Лекин бу шоирнинг нисбат тахаллуси “Мўъжамуш-шуйух”да Назанзий деб келтирилган. “Ал-ансоб”нинг ҳошиясида бу шоир ҳақида “Таҳбир” китобида ҳам маълумотлар борлиги айtilган. Самъоний “Ал-ансоб”да Натанз шаҳри ҳақида тўлиқ маълумот берган. “Мўъжамуш-шуйух”да Назанзий бўлиб келгани сабаби асар

<sup>94</sup> المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 1417هـ-1996م. 1-жуз, 767-бет.

<sup>95</sup> الانصاب الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة دائرة العثمانية. 1397هـ-1977م. 137 ص





котиблари томонидан арабча “то” ҳарфи уст қисмига бир нуқта қўйиб юборилган бўлиши мумкин. Шунда у арабча “зо” ҳарфига айланиб қолади. Шу сабабдан Назанзийга айланиб қолган.

### **Абу Муҳаммад Абдулатиф ибн Абдурашид ибн Ҳусайн ал-Адиб ал-Ҳаравий**

Абу Саъд Самъоний “Мўъжамуш-шуйух”да Абдулатиф ибн Абдурашид ал-Ҳаравий ҳақида маълумот бериб, унинг шоир эканини, Ҳирот улуғларининг фарзандлари унинг ҳузурига келиб илм олиши ҳақида айтиб ўтган. Эътиборга лойиқ жиҳати, унинг шеърлари фикҳий йўналишда бўлиб, тушуниш осон бўлган экан. Бу асарда унинг шеърларидан келтирилмаган. Самъонийнинг яна бир тазкира асари “Ат-тахбиру мўъжамиш-шуйух” асарида ҳам шу маълумотлар такрор берилган. Қўшимча маълумотлар берилмаган.

Ибн Асокир ўзининг “Мўъжамуш-шуйух” асарида Абдулатиф ибн Абдурашид ҳақида 761 тазкирада маълумот берган. Ибн Асокир Абдулатиф ибн Абдурашид Ҳаравийдан “Кавсар” сураси нозил бўлган вақтдаги ҳадисни эшитганини келтирган<sup>96</sup>. Ибни Асокир ўз асарида келтирган устозларини биографияси билан келтирмайди, балки эшитган ҳадисини санадини келтиради. (санад- бир ҳадис ёки ривоятни биринчи айтган кишигача бўлган кишилар кетма-кетлиги). Тазкирада келтирилган олимни тўлиқ исми ва кунясини келтиради, лекин олимни ижоди, қизиққан фанлари тўғрисида тўхталмайди. Шу сабабли қисқа сатрларда ифодалайди. Ибн Асокир асосан эшитган хабар ёки ҳадисга катта эътибор қаратади. Самъоний бўлса, эшитган ҳадиси ёки бир ўрганган асари ҳақида қисқача маълумот беради, лекин устози ҳақида тўлиқ биографик маълумот беришга ҳаракат қилган. Кўп ўринларда шеърий намуналар келтиради. Ибн Асокир асарида аввал олимларни исмини сўнг кунясини келтирса, Самъоний “Мўъжамуш-шуйух” асарида биринчи кунясини, сўнггра эса исмини тўлиқ келтиради. Самъоний ҳам, Ибн Асокир ҳам ўз “мўъжамуш-шуйух”ларида олимларни алифбо ҳарфлари асосида ва рақамлар билан белгилаб, алоҳида - алоҳида келтирганлар. Самъонийнинг иккинчи тазкира асари “Ал-ансоб” да эса бир тахаллус остида бир неча олимларни келтирган.

### **Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммад ибн Ғоним ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳасан ибн Аҳмад ибн Али ибн Иброҳим Адиб ал-Ғонимий ал-Жарроҳий ал-Ҳаравий**

Абу Саъд Самъоний “Мўъжамуш-шуйух”да Масъуд ибн Муҳаммад ал-Ҳаравийни Тусда туғилди, Нишопурда улғайди, Балхда илм олди ва Ҳиротда яшади, деб келтирган. Ўта парҳезкор бўлганини, узоқ йиллар тоат-ибодатда яшаганини келтириб, устозлари ҳақида маълумотлар келтирган. Энг эътиборли жиҳати тазкирада бу адиб жуда тез ва кўп шеър бита олади, дейилган. Ижод илҳомлари саҳар вақтида келиб, битган шеърларини тўплаб, “Саҳарийят”

<sup>96</sup> معجم الشيوخ. الامام الحافظ ابي القاسم علي بن حسن بن هبة الله الشافعي المعروف بابن عساكر. دار البشائر. 1421-2000م. 617 ص



(саҳар чоғи битилган шеърлар) деб номлаган. Бу асардан намуна келтирмаган. Лекин Масъуд ибн Муҳаммад ал-Ҳаравийнинг бошқа шеърларидан уч намуна келтирган.

Абу Саъд Самъонийга Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммад Ҳиротда шеър айтиб берди:

فَيَا لَهْفِي عَلَيَّ تِلْكَ الْإِضَاعَةَ  
فَلَا كَانَتْ لَنَا تِلْكَ الْبِضَاعَةَ

أَضَعْنَا عُمْرَنَا فِي غَيْرِ شَيْئٍ  
وَكُلُّ بِضَاعَةٍ لَا رِبْحَ فِيهَا

Умримизни бекорга зоеъ қилдик,

Эй воҳ ўша зоеъликка.

Ҳар бир сарможда фойда бўлмаса,

Биз учун у сармоё эмас<sup>97</sup>.

Абу Саъд Самъонийнинг биринчи ёзган тазкира асари “Ал-ансоб”да ҳам Масъуд ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий ҳақида маълумот берган. Асарнинг ўнинчи жузи 12 саҳифасида “Ал-Ғонимий” тахаллуси остида 2865 тазкирада келтирган. Биринчи Масъуд ибн Муҳаммаднинг отаси Адиб Муҳаммад ибн Ғоним ҳақида тўхталган. Ал-Ғонимий нисбатини ўз отаси Ғоним исмидан олганини айтиб ўтган. Муҳаммад ибн Ғоним ҳам шеърини девонлар битгани ва бу шеърлар ернинг барча уфқларига тарқалганини хабар берган. Самъоний унинг шеърларини дўсти Абу Бакр Исфироийнидан эшитганини айтган. Ундан кейин унинг ўғли Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммад ҳақида тўхталган. Бу асарда ҳам “Мўъжамуш-шуйух”да келтирган маълумотларини келтирган. Тазкира охирида Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммаднинг кўп шеърларини ёзиб олганини айтиб ўтган<sup>98</sup>. Бу маълумотлардан Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммаднинг қонида шоирлик бўлганини, ижод аҳли хонаданида дунёга келганини англаш мумкин.

Ибни Асокир ҳам ўз “Мўъжамуш-шуйух” асарида Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммадни келтирган. Асарнинг 1136 саҳифасида 1480 рақамли тазкирада адибни аввал исмини, сўнгра тахаллус ва нисбатларини келтирган. Кейин ўз одатига кўра ундан олган ҳадисини санадини келтирган ва охирида ароқ ҳақида айтилган ҳадисни келтириш билан тазкирани тугатган<sup>99</sup>. Бу тазкирада ҳам Ибн Асокир ўз одатига кўра устозининг ижоди ва биографияси ҳақида тўхталмаган.

Заҳабий ўзининг “Сияру аъламин-нубала” асарининг 3830 саҳифасида 6106 рақамли тазкирада Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммад ал-Ҳаравийни келтирган. Муаллиф бу асарда Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммадни устозлари ҳақида маълумот бериб, кейин шогирдлари ҳақида ҳам тўхталган. Шогирдлари қаторида Абу Саъд Самъоний, Ибн Асокир, ат-Тожул Масъудий, Абдурахим ибн ас-Самъонийларни санаб ўтган. Адибнинг биографияси бобида Самъоний асаридан маълумотларни иқтибос келтирган<sup>100</sup>. Заҳабий баъзи тазкираларида шеърини намуналар келтирган, аммо Абул Маҳосин Ҳаравий тазкирасида шеър

<sup>97</sup> المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 1417هـ-1996م. 1724ص.

<sup>98</sup> الانصاب الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة دائرة العثمانية. 1397هـ-1977م. 10ج، 12 ص

<sup>99</sup> معجم الشيوخ. الامام الحافظ ابي القاسم علي بن حسن بن هبة الله الشافعي المعروف بابن عساكر. دار البشائر. 1421هـ-2000م. 1136 ص

<sup>100</sup> سير اعلام النبلاء. للامام ابي عبد الله شمس الدين محمد ابن احمد الذهبي. بيت الافكار الدولية. لبنان. 2004م. 3830 ص.





келтирмаган. Олимлар ҳақида маълумот бериш бўйича ўз замонасида ҳам ва ундан кейин ҳам Самъоний асарлари асосий манба сифатида хизмат қилган.

Ибни Нуқта ўзининг “Такмилатул-икмал” китобининг тўртинчи жузи 403 саҳифаси 4560 рақамли тазкирада келтирган. Қисқа тазкирада Абул Маҳосин Масъуд ибн Муҳаммад ал-Ҳаравийни исми ва кунясини тўлиқ келтирган. Устозлари ва шогирдларини айтиб ўтиб, охирида Ҳиротда вафот этганини айтган. Ибн Асокир ундан ҳадис ўрганганини ҳам келтирган<sup>101</sup>. Албатта кейин ёзилган тазкира асарлари аввал ёзилганларига таянади.

### **Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ас-Самъоний ат-Тамийий ал-Марвазий**

Мовароуннаҳрга туташ ҳудудлар адиблари ижодига назар солсак, албатта Марв адибларига ва унда яшаб ижод қилган Самъонийлар сулоласи ижодига мурожаат қилишимиз лозим бўлади. Самъонийлар сулоласи илмларнинг кўп соҳаларини эгаллаган қомусий олимлар бўлишган. Барча соҳалар қатори шеърят ҳам уларнинг сеvimли машғулотларидан бўлган. Самъонийлар вакилларида бўлган Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан ҳам шеърятга меҳр қўйган олимлардан бўлган. Абу Саъд Самъоний ўзининг “Мўъжамиш-шуйух” асарида келтиришича, Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан тил ва луғат билимдони, назм ва насрда моҳир, икки тилда, яъни араб ва ажам тилларида шеър ёзадиган ва шеъри жуда тез келадиган киши бўлган. Унинг устозларини санаб ўтган Самъоний унинг отаси мен илм ололмаган устозларни олдида олиб бориб илм олишига замин яратти, дейди. Самъоний асарида унинг бир қанча шеърларини ёзиб олганини айтади, бироқ бу шеърлардан асарида намуна келтирмаган<sup>102</sup>.

Абу Саъд Самъоний ўзининг “Ал-ансоб” асарида “Самъоний” нисбат таҳаллуси бобида ўз сулоласи ҳақида хабар берган. Шу бобда Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан ҳақида ҳам тўхталган. Асарнинг 7 жузи 222 саҳифасида Самъоний таҳаллуси Тамим қабиласининг бир тармоғининг номидан келиб чиққанини айтади. Тазкирада Самъоний бобосининг отаси қози Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад Самъонийдан бошлайди. Ундан сўнг бобоси Абул Музаффар Самъоний ва бобосининг акаси Абул Қосим Али ҳақида маълумот берган. Абул Қосим Али Ҳанафий мазҳабида бўлган ва унинг укаси Абул Музаффар Шофеъий мазҳабига ўтгани учун хафа бўлиб: “сен отангни йўлини тарк қилдинг”, деб ташлаб кетганини ёзган. Шундан сўнг Абул Музаффар хат ёзиб: “мен отамни йўлини ташламадим, балки қадария ақидасини ташладим. Шу сабабли Шофеъий мазҳабига ўтдим”, дейди. Сўнг қадарияларга раддия ёзган китоби йигирма жузлик китобини акасига совға қилади. Акаси ундан рози бўлиб, унга ўғли Абул Аъло Али ибн Алини шогирдликка беради.

Абу Саъд бобоси ҳақида шундай дейди: “Абу Музаффар бобомнинг фазилатларини таърифлай олмайман. Инсоф билан унинг асарларини ўқиган

<sup>101</sup> تکملة الاكمال. للحافظ ابي بكر محمد بن عبد الغني البغدادي. مكة المكرمة. جامعة ام القرى. 1408هـ-1987م. ص. 403.

<sup>102</sup> المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 1417هـ-1996م. ص. 1428.







فَضْلَ الْكُھُولِ وَ كَانَ فِدْمًا فَاضِلًا.

مُسْتَنْصِرًا سِنًّا وَ لَكِنْ قَدْ حَوَى

Абул Музаффарга ўлим тез ғолиб бўлди,  
Фазилатларига қарамасдан ҳорғин ҳолда олиб кетди.  
Барча талант фазилатлар ишлатилмай ўтиб кетди,  
Барча имомлар кўзлари ёшга тўлди.  
Тупроққа тушиши қандай ҳам тез бўлди,  
Ҳеч тўлин ой тупроқни манзил қиларми?  
Чиқишга улгурмаган юлдуз эди у,  
Олий оламларда ботиб кетдику.  
Ёшда кичик эди, лекин етуклар мартабасига етди,  
Пешқадам ва фазилатли бўлди<sup>106</sup>.

Абу Саъд Самъонийнинг бошқа асари “Ал-ансоб”да ҳам Абул Маъолий Юсуф ибн Муҳаммад номи келтирилган. Асарнинг саккизинчи жуз 245 саҳифасида “Ас-Собарий” тахаллуси остида берилган. Тазкира аввалида “Собар” сўзини Марвдаги бир кўчанинг номидан келиб чиққанини, Абул Маъолий шу кўчадан экани айтилган. Фиқҳ илмида моҳир бўлгани учун Фақиҳий номини олганини ва адабиёт ва шеъриятдаги қобилияти сабабли Муаддабий тахаллусини олгани айтилган<sup>107</sup>. Самъоний унга шогирд бўлганини ва бир қанча шеърларини ёзиб олганини айтган. Асарда Абул Маъолий биографияси “Унинг вафоти 530 йиллар атрофида бўлган”, деган маълумот билан ниҳоясига етган<sup>108</sup>.

Самъоний “Ал-ансоб”да Абул Маъолий вафотини тахминий шаклда айтиб ўтган бўлса, “Мўъжамиш-шуйух”да “534 йил 13 рабиъул аввалда вафот этди” деб, маълумотни аниқ келтирган. “Мўъжамуш-шуйух” асари “Ал-ансоб”дан беш йил кейин ёзилганини ҳисобга олсак, “Мўъжамуш-шуйух”нинг маълумотлари эътиборли ҳисобланади.

Самъонийнинг яна бир асари “Таҳбир”нинг иккинчи жузи 391 саҳифасида “Абул Маъолий ас-Собарий” исми билан 1117 тазкирада келтирилган<sup>109</sup>. Бу асардаги маълумотлар “Мўъжамуш-шуйух”даги маълумотлар билан бир хил, лекин охирида марсия шеър келтирилмаган.

Ёқут Ҳамавий ўзининг “Мўъжамул-булдон” (معجم البلدان) асарининг 3 жуз 387 саҳифасида “Ас-Собир” номли тазкирада келтирилган. Сўзни ўқилишига қисқача тўхталиб: “Марвдаги шаҳарнинг тепа қисмидаги Салама маҳалласидаги кўчанинг номидир. Бу нисбатни Абул Маъолий Юсуф ибн Муҳаммад Фуқаймий ас-Собарий олган. Кўп илмларни эгаллаган маърифатли олим ва адиб эди. Уни араб тилида яхши шеърлари бор. Абу Саъд Самъоний уни ўз устозлари сафида зикр қилган”, деб келтирилган<sup>110</sup>.

<sup>106</sup> المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 1417هـ-1996م. 1861 ص.

<sup>107</sup> الانصاب للامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة دائرة العثمانية. 1397هـ-1977م. ج8، ص 245

<sup>108</sup> Ўша асар

<sup>109</sup> التحبير في المعجم الكبير. للامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة جامعة بغداد. 1395هـ-1985م. ج2، ص 391

<sup>110</sup> معجم البلدان. للامام شهاب الدين ابي عبد الله ياقوت بن عبد الله الحموي. بيروت. مطبعة دار صادر. 2006م. ج3، ص 387.



Ёқут Ҳамавий “Мўъжамул-булдон” асарида “Ас-Собар” эмас, балки “Ас-Собир” номи остида келтирган бўлса, “Фақийҳий” тахаллуси ўрнига “Фуқаймий” тахаллуси берилган. Абу Саъд Самъонийнинг “Ал-ансоб”, “Мўъжамуш-шуйух” асарларининг барчасида “Фақийҳий” тахаллуси берилган ва унинг фикҳ илми билимдони бўлгани айтиб ўтилган. Шу сабабдан “Фуқаймий” тахаллуси котибнинг хатоси сабаб пайдо бўлган бўлиши мумкин, ёки бу Абул Маъолийнинг бошқа тахаллуси бўлиши мумкин.

Ибни Асир ҳам ўзининг “Ал-Лубоб” асарида Абул Маъолий Юсуф ибн Муҳаммад номини келтирган. Асарнинг иккинчи жузи 228 саҳифасида “Ас-Собирий” номли тазкирада берилган. Бу асарда ҳам беш қаторли қисқа маълумотлар такрор келтирилган ва Абу Саъд Самъоний ундан илм олгани айтилган<sup>111</sup>.

Ибни Асир ҳам ўзидан олдин ёзилган тазкира асарларига таяниб маълумот берган. Самъонийнинг устозлари келтирилган тазкира асарларида асосий манба Самъонийнинг асарлари ҳисобланади.

#### **Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Наср аш-Шерозий ас-Сарахсий ал-Марвазий**

Абу Саъд Самъоний “Мўъжамуш-шуйух” асарида: “Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарни фақиҳ, фазилатли, баҳс-мунозарада моҳир, адабиёт ва луғат илми билимдони, назмда тез илҳом келадиган шоир эди<sup>112</sup>”, деб келтирилган. Унинг устозларини келтиргандан сўнг, “ундан бироз илмларни ёзиб олдим”, деб айтган ва бу Абу Абдуллоҳ ад-Даққоқни “Имло” китобидан ва Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарни шеърларидан бир қисм эканини келтирган. Баъзи адиблар тавсифида шеърый намуналар келтирган Самъоний Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарни тавсифида шеърларидан келтирмаган. Биография охирида туғилган ва вафот этган саналарини аниқ айтиб ўтган.

Самъонийнинг “Таҳбир” асарининг иккинчи жузи 174 саҳифасида 809 рақам остида “Абул Фатҳ аш-Шийразий” номли тазкирада Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умар келтирилган<sup>113</sup>. Бу асардаги маълумотлар “Мўъжамуш-шуйух” да келтирилган маълумотлар билан бир хил, лекин “Мўъжамуш-шуйух” да келган “Абу Абдуллоҳ ад-Даққоқни “Имло” китобидан ва Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарни шеърларидан бир қисм ёзиб олдим” лафзи “Таҳбир” да келтирилмаган.

Абу Саъд Самъонийнинг яна бир асари “Ал-ансоб”нинг саккизинчи жузи 229 саҳифасида аш-Шийразий тахаллуси остида Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарнинг исми келтирилган<sup>114</sup>. Тазкирада дастлаб Шийраз сўзи қандай ўқилиши тўлиқ кўрсатилган, сўнг бу жой Сарахс яқинидаги катта қишлоқ экани айтиб ўтилган. Тазкирада Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умарнинг амакиси Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ва отаси Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад

<sup>111</sup> اللباب في تهذيب الانساب. لعز الدين ابن الاثير الجزري. بغداد. مكتبة المثني. 1955م. ج2، ص 228

<sup>112</sup> المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 1417هـ-1996م. ج1، ص1520.

<sup>113</sup> التحبير في المعجم الكبير. للامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة جامعة بغداد. 1395هـ-1985م. ج2، ص174.

<sup>114</sup> الانصاب للامام الحافظ ابي سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الهند. مطبعة دائرة العثمانية. 1397هـ-1977م. ج8، ص 229





келтирилган. Айниқса, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ҳақида кўп мақтов гаплар айтилган. Улардан кейин Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умар ҳақида маълумот берилган. Жумладан шеърятда кучли таланти бор эканлиги алоҳида келтирилган. Сўнг устозлари ва вафот этган санаси кўрсатилган<sup>115</sup>.

Ёқут Ҳамавий ҳам “Мўъжамул булдон” асарининг 3 жузи 382 саҳифасида Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умар ҳақида маълумот берган. Дастлаб отаси ҳақида тўхталиб, сўнг Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Умар ҳақида маълумот берган. Ҳамавий ҳам уни адиб ва назми тез келадиган киши, каби сифатлар билан тавсифлаган<sup>116</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Абу Саъд Самъоний асарида тилга олинган ва Мовароуннаҳрга туташ бўлган ҳудудларда ҳам олим ва адиблар кўпчиликни ташкил этган. Айниқса Ҳирот, Марв, Сарахс, Шийраз каби ҳудудлардан етишиб олимлардан баъзилари адиб, шеърятда моҳир, назми тез келадиган, назмда кўли узун каби сифатлар билан тавсиф этилган. Уларнинг баъзилари ижодидан намуна келтирилган бўлса, баъзилари ҳақида шоир ёки адиб эди, деб тариф бериб кетилган. Самъоний тазкира асарларини кўплаб шеърлар билан зийнатлаб келтириши, унинг ўзи ҳам шеърятга ихлосманд ва шоиртабиат инсон эканини кўрсатиб турипти. Бошқа тазкираларда биографик маълумотларни ўзи берилган бўлади, лекин шеърий намуналар келтирилмайди. Фақат Ёқут Ҳамавийгина тазкираларни шеърлар билан бебаб келтирганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ибн Асокир эса асарида фақат тўлиқ исм билан кифояланиб, биография ҳақида тўхталмаганини мушоҳада қилдик.

Самъоний асарларидан кейинги асрларда ёзилган тазкираларда Самъоний келтирган олимлар ҳаёти ҳақида қисқа маълумотлар берилган ва Самъоний асарлари асосий манба сифатида кўрсатилган. Самъоний минглаб олимлар ҳақида маълумот берган бўлсада, унинг маълумотлари қисқа, лўнда ва аниқ берилган ва ундан кейинги асарларга манба бўлиб хизмат қилган. Масалан “Ал-ансоб” асарида Шийраз ва Шероз шаҳарлари билан нисбатланган олимлар алоҳида келтирилган ва бу иккаласи бир шаҳар эмаслиги кўриниб турипти. Самъоний маълумотлари ўрта аср адиб ва шоирларининг хулқи, илму маърифати, минталитети ва илмий ижоди ҳақида дунёқарашимизни шакллантиришда катта ёрдам беради.

<sup>115</sup> Ўша асар.

<sup>116</sup> معجم البلدان. للامام شهاب الدين ابي عبد الله ياقوت بن عبد الله الحموي. بيروت. مطبعة دار صادر. 2006م. ج3، ص382.